

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№53 (6.578). Sotuvda erkin narhda

РУМИНИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур Собиров). Руминия Президенти Ион Илиеску 21 апрел кuni расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.


Ўзбекистон Руминия билан 1995 йил октябрда расмий дипломатия муносабатлари ўрнатган. Халқларимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий алоқалари тарихи узок. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 1996 йил июнида бу давлатга расмий ташриф билан борган. Ушунда икки давлатнинг келажадаги ҳамкорлиги соҳаларини белгилаб берган қатор ҳужжатлар имзоланган. Утган йиллар мобайнида бу ҳужжатлар Ўзбекистон-Руминия ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Айни пайтда мамлакатларимиз пахта-ни қайта ишлаш, тўқимачилик, саноат маҳ-

сулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, дори-дармон, нефт ва газ саноати соҳаларида кенг қамровли алоқаларни йўлга қўйган. Бундан ташқари, Ўзбекистон-Руминия ҳўкуматлараро иқтисодий кенгаши ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ишбилармонлар ўртасида бевосита мулоқотни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ион Илиеску Руминия Президенти лавозимига илк бор 1990 йилда сайланган. 1996 йили у Социал-демократик партиядан сенатор бўлган. 2000 йил декабрда эса Руминия халқи уни иккинчи марта Президентликка сайлади.

Ион Илиескунинг мазкур ташрифи ҳамкорлик истиқболлари, алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган соҳаларни белгилаб олиш ва умуман Ўзбекистон-Руминия ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш учун хизмат қилиши шубҳасиз.



Балиқчи туманидаги "Олимжон ота" фермер ҳўжалиги раҳбари Маъруфжон Насриддиновни тажрибали деҳқон сифатида кўпчилик ҳурмат қилади. Фермер галладан юқори ҳосил олишининг ҳадисини олган. Бу йил ҳам у гектарлар ҳосилдорлигини 80-90 центнерга етказиш ниятида меҳнат қилмоқда. СУРАТДА: фермер Маъруфжон Насриддинов. Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Иккинчи қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова бошқарди.

Йиғилишда иккинчи қақирик парламенти ўн биринчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасида олиб борилган ишлар натижалари ақулланди. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари М.Сафа-

ева, Ў.Хошимов ва И.Қаландаровнинг ахборотларида айтиб ўтилганидек, сессия муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилди. Сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари ва депутатлар блокларидан, сайловчилардан, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларида кўплаб тақлифлар тушди ва улар Олий Мажлис кўмиталарида диққат билан ўрганилиб, ақсарияти қонун ҳужжатларини маромига етказишда хисобга олинди. Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари фаолияти сес-

сияга тайёргарлик кўриш даврида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилди. Сессия иши даврида депутатларга ташкилий-техник хизмат кўрсатиш, зарур шароит яратиш масалалари ҳам ҳал этилган.

Депутатлар ишчи гуруҳи йиғилишининг катнашчилари олиб борилган тайёргарлик ишлари иккинчи қақирик Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясини сиёсий, профессионал ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишга кўмаклашди, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессияси олдидан ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИ ЙўЛИДА

Она табиатни асраш, атроф-муҳит муҳофазасига эътиборни кучайтириш, экологияга салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларни бартараф этиш бугунги кунда бутун дунё ахлини ўйлантираётган масаладир.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаз қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Айниқса, ўтган йиллар давомида Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаз қилиш масалалари кўмитаси бу борадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш, тегишли қонунларнинг ижроси устидан назоратни кучайтириш юзасидан муҳим вазифаларни амалга ошириб келаётди.

Кўмита раиси Қудойберган Жўмабеков билан бўлган сўбатимиз ҳам қилинаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида борди.

«Кўмитамиз томонидан табиатни муҳофаз қилишга доир қонун ҳужжатларининг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилиши, қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш амалиётини ўрганиши юзасидан илҳом ва аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Хусу-

сан, Республика Табиатни муҳофаз қилиш давлат кўмитасининг 2002 йилги фаолияти ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар шунини кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасининг 1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф муҳитни муҳофаз қилиш бўйича ҳаракатлар дастурини рўйбга чиқариш мамлакатдаги экологик вазиятни яхшилашга доир чора-тадбирларни амалга оширишда кўл келмоқда. Айни вақтда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётди. Табиатни муҳофаз қилиш давлат кўмитасининг атроф - муҳитни муҳофаз қилишга доир қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назорат қилиш, мамлакатда табиатни муҳофаз қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш йўлини кўриштириш, экологияга доир қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш ва атроф- муҳитни муҳофаз қилиш соҳасида иқтисодий механизмларни рўйбга чиқариш борасида олиб бораётган ишларни тақомиллаштиришнинг ҳаётининг ўзи тақозо этапти.

Умуман олганда, ҳисобот даврида кўмитанинг иккунчи мажлиси ўтказилиб, уларда сессия кун тартибига, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга, атроф-му-

ҳитни муҳофаз қилишга доир қонунларнинг ижроси тўғрисидаги ўнга яқин масала кўриб чиқилди. Мажлисларда, тегишли масалалар муҳокамаси чоғида кўмита аъзолари бўлиши бир қатор депутатларимиз фаол иштирок этишди.

Табиатни муҳофаз қилиш давлат кўмитаси ҳамда халқаро "Экосан" жамғармаси билан ҳамкорликда бир қанча халқаро семинарлар, экологик фестивал, умумреспублика экология шанба-лиги ўтказилди.

Кўмитамизнинг халқаро алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Кўмитада Глобал экология фонди делегацияси, ЕОХТнинг Тошкентдаги маркази иқтисодий ва экология масалалари бўйича эксперти жаноб Дуглас Туке ва қатор хорижий давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари қабул қилинди.

Фуқароларнинг, муассасалар ва ташкилотларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда фуқароларни қабул қилиш кўмита ишида ҳар доимгидай муҳим ўрин эгаллади. Ҳисобот даврида 30 дан ортиқ мурожаатлар, хатлар ва аризаларнинг ҳаммаси тегишли вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар вакиллари иштирокида кўриб чиқилди ва мурожаат-

номалар чуқур таҳлил қилиниб, ҳужжатлар, шунингдек, кўмита мажлисларига материаллар тайёрлашда хисобга олинди. Асосли муаммолар қўйилган мурожаатларнинг ақсарият қисми ижобий ҳал этилди. Фуқароларнинг ушбу мурожаатлари, матбуот саҳифаларида эълон қилинган қатор мақолалар бизни яна бир бор табиатни муҳофаз қилишга доир қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни кучайтиришга ундади.

Табиатни муҳофаз қилиш ҳамда табиатдан ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база тақомиллаштириш бормоқда. Қонунларнинг, қарорларнинг ҳамда идоравий норматив ҳужжатларнинг лойиҳалари - жами олтинчи битта лойиҳа ишлаб чиқилди ёки улар юзасидан тақлифлар киритилди. Шунингдек, кўмита томонидан атроф-муҳитни муҳофаз қилиш соҳасидаги халқаро концепциялар, шартномалар ва битимларни бажариш юзасидан ҳўкумат қабул қилган мажбурийларни амалга оширишга доир фаолият олиб борилмоқда.

"Қишлоқ ҳаёти" мухбири А.КАРИМОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони билан бажариш юзасидан ҳамда хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқариш принципларини янада жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л д и:

1. Куйидагилар:
 - Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги Намунавий низом;
 - Давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакили тўғрисидаги Низом;
 - Бошқарувчи компаниялар тўғрисидаги Низом;
 - Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг раҳбарини ёллаш тўғрисидаги Намунавий меҳнат шартномаси тасдиқлансин.
2. Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни тақомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2003 йил 1 июлгача бўлган муддатда уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, бошқа ҳўжалик бирлашмаларининг таъсис ҳужжатларини Президентнинг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларига мувофиқлаштирсинлар, бунда уларнинг таркибига кирувчи корхоналарнинг амалий фаолиятига асоссиз аралаш имконини берувчи қоидалар истисно этилишини назарда тутсинлар.
- Зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига ҳўкуматнинг алоҳида ҳўжалик бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш масалаларини тартибга солиш чораларига ўзгартаришлар киритиш юзасидан тақлифлар тақдим этилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси:
 - 2003-2004 йилларда акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетларини танлов асосида профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга босқичма-босқич бериш жадвалини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;
 - 2003 йил 1 июлгача мулкида давлат улуши 26 фоизни ва ундан кўпроқни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларининг давлат активларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари билан акциядорлик жамиятлари профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга берилган муддатгача амал қиладиган шартномалар тўзсин;
 - зарурат бўлганда акциядорлик жамиятларининг устав фондидаги 25 фоиз ва

ундан кам миқдордаги давлат активларини бошқариш юзасидан ишончли бошқарувчилар билан тузилган шартномаларни Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тақомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига мувофиқ улар биржа ва биржадан ташқари бозорларда тўлиқ сотилгунгача бўлган даврга узайтирсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:
 - тафтиш комиссияси аъзолари ўз фаолиятининг уларнинг ушбу акциядорлик жамиятларидаги ёллаш бўйича меҳнат фаолияти билан бирга қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмади;
 - акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетлари қийматини баҳолаш, яқна тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштирилган корхоналардан ташқари, баҳолаш ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва уларни сотишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси томонидан бошланғич нарх сифатида белгиланади;
 - акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини бошқариш харажатлари акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларига ҳисобланган дивидендларнинг бир қисми ҳисобига, улар бўлмаган тақдирда эса - давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар ҳисобига амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда давлат активларини бошқариш хизматларига ҳақ тўлаш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.
5. Белгилансинки, 2003 йил 1 февралдаги ҳолатига кўра устав фонди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича 50 минг АҚШ долларидан кам миқдорда бўлган илгари ташкил этилган акциядорлик жамиятлари 2004 йил 1 январгача ўз устав фондларини қайта рўйхатдан ўзташвиш санасида кўрсатиб ўтилган суммадан кам бўлмаган миқдорда келтиришлари ёқуд белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантирилиши шарт.
- Ўзбекистон Республикаси ҳўкуматининг қарорларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритилсин.
- Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2003 йил 19 апрель

ИККИНЧИ ҚАҚИРИК ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ Тўғрисида

Иккинчи қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 2003 йил 24 апрель кuni эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 23 апрель кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРNING ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА

Олий Мажлисида 22 апрель кuni соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 22 апрель кuni соат 15.00 да бўлади.

Олий Мажлисида 23 апрель кuni соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

ҚОНУНИЙЛИК ВА АДОЛАТ - БОШ МЕЗОН

Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Бош прокурор ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Ҳамид НЕЪМАТОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА мухбирига мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди:

ДАВР

- Утган давр мобайнида суд-ҳуқуқ тизими катта ўзгаришларга уч тўзди. Бу борада Президентимиз Ислам Каримов ташаббус билан номи зикр этилган Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жамиятимизда демократия таъминлашнинг янада мустаҳкамлаш борасида қўйилган жуда муҳим қадам бўлди. 2001 йил 18 октябрдаги эътиборан амалга киритилган мазкур Қонуннинг моҳияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда шахсни жазолаш эмас, балки тарбиялашга асосий эътибор қаратилган. Қонун халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослиги билан ҳам эътиборга лойиқдир.

Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган бу муҳим ҳужжатнинг ижроси барча ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органлар, жумладан, прокуратура идоралари ходимларидан улкан масъулият талаб қилади.

(Давоми 2-бетда)

СУВ ВА ЕР

Миср Нил дарёси бўйидаги қадим маданият ўчоғи бўлса, Хоразм Амударё ёқасидаги сунъий суғориш тизимига асосланган воҳадир. Бетақрор бой маданиятга эга Хоразмда шу боисдан ҳам кўплаб қалъалар Амударё бўйларида барпо этилган.

Қолаверса, дарё, канал, ариқ ва солмаларда

МИРОБЛАР МАСКАНИ

равон оқиб турган сувни зарурий томонга йўналтириш, унинг техникавий хусусиятларини тўла тасаввур қилиб, бошқариб борадиган мироблар халқ ўртасида гоёт эъзозли касб эгалари ҳисобланган. Ана шундай эътибордаги касб маскани Урганч мелиорация ва сув ҳўжалиги коллежидир.

(Давоми 4-бетда)

“АФРОСИЁБ” - ЯНГИ ДИЗАЙНДАГИ ДУХОБА

Самарқандда самарали фаолият кўрсатиб келаётган саноат корхоналаридан бири Ўзбекистон - Қозғистон қўшма корхонаси «Баҳмал»дир. Ҳамкорликда фаолият юритишни 2001 йилда йўлга қўйган жамоада айни дамда 550 нафар киши доимий иш билан банд ва 45-50 минг сўмдан маош олиб туришибди.

Биз - муҳбирлар рақамларга ўч бўламыз, шарҳлашни, таҳлил қилишни ҳўш кўрамыз. Келинг, шу гал сабр қилиб, гани корхона бош директори Даврон ака Аҳоровнинг ўзларидан айтилайлик. Ақир у киши вилоятда саноат корхоналари тизими шаклланиши тарихини, соҳанинг ўзига ҳос таъмоилларини, муаммо-ю ечимларини ва ниҳоят иқтисодини яқши билади. Бу бора тажрибасига эга. Кўнгилга яқини эса, табиатан ижод ахлига гоётда яқин.

«Мустақиллик шарофати ила юртимизда ишлаб чиқаришнинг илгор тажрибалари қўлланила бошлади. Бугунги кунда хорижий сармоя иштирокида тузилган кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Муҳими шундаки, бугунга келиб маҳаллий хом ашёлардан миллий маҳсулотлар тайёрлашга ҳам жиддий аҳамият берила бошланди. Бизнинг эътиборимиз кўпроқ ана шу жиҳатга - халқимизнинг духоба материалларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган.

Шарқ халқларининг либослари, уй жиҳозлари ўзига ҳос. Тўй-маросимларимизни турли-туман трикотаж материалларисиз, баҳамалсиз тасаввур этиш кийин. Афсуски, шу пайтга қадар бундай талаб инобатга олинмади. Четдан келтирилдиган сирти ялтироқ, сифатсиз маҳсулотлар эса урф-одатларимизга сингишиб кетолмайди.

(Давоми 2-бетда)

ИНСОН ўзинг!

Агар инсон ҳаётда мақсада эришмоқчи ният қилса, аввало, сабр-қаноатли бўлиши керак. Сабрсизлик ҳаммани панд беради.

«Қаноат кишини қудратли қилур», деган Саъдий Шерозий. Ҳар қандай ҳолатда ва вазиятда ҳам шовшалқоқликнинг оқибати ёмон. «Сабр ва бардош Тангридан, шовшалқоқлик эса шайтондандир», дейилади Ҳадисда. Демак, сабр-қаноатли инсонлар

ҲАР БАРДОШ СўНИДА ЗАВҚУ САФО БОР...

Аллоҳнинг севган бандалари, яхши инсонлар. Ношуқурлик, ўринсиз зорланиш, бориға қаноат қилмаслик, тақдирдан нўлиш, бошқаларнинг яқши ҳаётини кўрмаслик ва мен нега шундай яшамалман, деб аламзадалик қилиш, енгилтақлик қилиб, тўс-тўполон чиқариш ёки бирорларнинг дилини ранжитиш, сабрсизлик қийбатда ўзгаларга зарар етказиш ёки зулм ўтказиш эса шайтоний ишлардир.

(Давоми 4-бетда)

ОТЧОПАР БОР, ЧАВАНДОЗ Йўқ, тулпор йўқ

Ғиждувонда ҳавас қилгулик отчопар ўйингоҳи бор. Майдон 12 гектарни эгаллайди. Вилоятда ягона, десақ адашмаймиз.

Лекин ғиждувонликлар у билан тўла-тўқис фахрлана олишмайди. Чунки отчопар бору, уни ишқибозлар ҳайқирғиға тўлдириб қопадиган тулпорлар йўқ. Аргумоқ жилувида тутиб ҳар макомга йўрғалатадиган чавандозлар йўқ.

Отчопар йўлға бир марта, туманда пахта тайёрлаш режаси бажарилгандагина гавмуқлашади. Бошқа пайтлар бу ер маҳаллий аҳоли қорваси учун яйлов вазифасини ўтади.

Илгари, отчопар худуди чиройли темир панжаралар билан ўраб олинган, бу ерда томошабинлар учун ёғоч ўриндиқлар ўрнатилган эди. Ҳозир эса улардан асар ҳам қолмаган. Бариси талон-тороқ бўлиб кетган. Оқибатда бу ер аввалги қийёфасини йўқотиб, ташландик ҳолга тушиб қолди.

Бир неча йил муқаддам Бухоро - Газли йўли ёқасидаги йирик отчопар бошиға ҳам шундай кун тушганди. Бир неча ўн гектарни эгаллаган, савдо расталари, гулзорлари, йўл-йўлаклар бўлган, барча қулайликка эга ушбу иншоот қурилишига озмунча маблағ, куч-ғайрат сарфландики! Ҳозир ундан фақат вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси қошидаги болалар ва ўсмирлар от спорти мактабига қарашли бир парчагина экин майдон қолди, холос. Отчопар худудини теварак-атрофдаги ширкат ҳўжаликлари ўз майдонларига қўшиб олишди.

Сирасини айтганда, ўтган аср ўрталарида кўпқари Бухородаги энг оммавий спорт турларидан бири эди. Байрамларда шаҳар чеккасида бўлиб ўтадиган улоқ муСОбақаларида юзлаб чавандозлар иштирок этиб, томошабинларни чаққонлиги, маҳоратлари билан ҳўшнуд этарди.

(Давоми 2-бетда)

ВУНИ ЖАЁТ ДЕЙДИЛАР...

ВИЖДОН АЗОБИ

Ўтган асрнинг 80-йиллари эди. Бухоронинг Хавзинав маҳалласида яшовчи Сайфулла бобо узоқ вақт бетоб ётди. Муолажалар наф қилмади. Ўстиқдан бош кўтари олмай қолган чол ўлимини ўйлагани-ўйлаган, ажал дегани ҳам кела қолиб шўрликни оғир дарддан, азобдан халос қилай, дедим.

Қария бир оқшом жуда бетоктабани Нуриддин отани чақириб келишларини сўради.

Нуриддин билан болалиқдан дўст эдилар. Бир куни, бири сода. Икки ўртоқ "Амир қочибди" деган гап-сўзлар тарқалган кезларда Бухоронинг қиммасиз кўчаларида тенгираб юришар, ағасиз ҳовлилардан бир бурда қотан нон топиб олганларида эса қувончлари териларига сиймасди. Бир гал бомба тушиб томи чўкиб қолган уй йишлари орасидан икита қўзача чиқса бўладими?

Нуриддин қўл тикиб кўрганди оёғи остига ўн-тўртта танга тушди. Иккинчисида ҳам танга бор экан. Фақат буниси сал бошқачароқ, Сайфулла қўлим қилди. Тилла тангали қўзачани ўзига олди, мис тангалар Нуриддинга теги.

Орадан йиллар ўтди. Нуриддин ўқиб муаллим бўлди. Сайфулла эса маҳалладаги дўконлардан бирида озорқ соғувчилик қилганини айтса бирор касб эътиборини тупмади.

Нуриддин ўзи каби камбағалнича оиладан чиққан дўстининг қандай қилиб қўш ховли-онгил машина сотиб олгани, ҳар йили Қрим томонларда дам олиб қайтиши тағига етолмай ҳайрон бўларди...

Уйга кириб келган Нуриддин ота бемор ёнига чўкди. Хонадон соғибнинг кенгаси Анваржон ҳам ота имоси билан ўйда қолди.

Нуриддин, - деди синиқ овоз билан Сайфулла бобо. - Яхши-ёмон кунимиз бирга ўтди. Аммо одам ҳам сўт эмган бандга экан. Болалигимизда Азизбойваччанинг қўлаган иморати остидан қўзача топиб олганимиз ёдингандми? Ўшанда ҳаммаси мис танга, деб сени алдагандим. Қийнаиб кетдим. Гўрмида тинч ётай. Мендан энди рози бўл.

У шундай деганча титроқ қўлларидида тўртта тилла тангани дўстининг олдига қўйди. Нуриддин ота унинг илҳак қараб турган кўзларига боқиб "Розиман" деди. Бемор енгил нафас олди. Хайрлашиб ховлисига келган ҳам эдики, Нуриддин отага Сайфулла бобонинг қазо қилгани ҳақида хабар келди...

Истам ИБРОҲИМОВ

"ЭНДИ МАҚОЛА ЁЗАДИГАН БЎЛДИМ..."

Зариф газетда ишлайдди. Ҳар кунни ёза-ёза. Унинг бир дақиқа ҳам бўлиш бўлмайдди. Ишдан қолмайдди. Газетда чиққан мақолаларини кўриб чарчоғи ёзилганини ҳам билмай қолади.

Лекин, кейинги ойда тинчи йўқолди. Энг яқин дўсти ҳар кун эртадан кенга унинг ёнига келиб ўтирадиган одат чикарди. Илоҳ қанча, "Кет" деб хонасидан чиқариб юборолмайдди. Ошнаси ўзидан билиб кетай демасди. Бу ёқда қанчадан-қанча мақолалар ёзилмай қолиб кетаётди.

Кунларнинг бирида, Зариф ўша оғайнисининг ишга жойлашганлигини айтиб, елкасидан тоғ қўлагандек бўлди. Ўша заҳоти халиги қорхона раҳбарига қўнғирок қилди.

Салом-алиқдан сўнг Зарифбой бошлиққа қуюқ миннатдорчилик билдирди. Тақаллуф оdatдагидан сал чўзилиб кетган халиги одам: -Зарифбой, раҳматнинг ҳам сабаби бордир-ку! - дея сўради.

-Бундоқ тушунтириб гапиринг-чи? Нима гап узи?
-Ахир дўстини ишга олибсиз-ку!
-Буни сизга нима дахли бор?
-Э-э, домлажон, шу пайтгача у ҳар кун ишонмагга келиб ўтиради, мен эса мақола ёзолмасдан вақт ўтказардим, - дедди.

-Аҳ, шунақа демасизми?
-Ахир, мен газетда ишлайман. Энди мақола ёзадиган бўлдим-да домлажон! Раҳмат, сизга! - деганича қўлга қалам олди.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ

ЎЗ ЧОҲИ УЗРА ЎЗИ ТАЗУМНО

Салимбой ўлими ҳарбий хизматдан олиб қолиш учун кўп югурди, бўлмади. Охири Россиянинг Кострома вилоятига олиб кетилган эркатойи ортидан етиб борди. Ҳарбий қисмдагилар билан тил топишди. Госпиталдан "қоғоз" тўғрилиб, арзандасини хамирдан қил суғургандек олиб қолди.

Бу воқеага ҳам ўттиз йиллардан ошиб қолди. Лекин, гап келганда Қодирбойнинг дўстлари аяб ўтиришмайди. "Сенинг асабинг чаток, шу боис хизматга ярамайсан", дея чимчи оладилар.

Мазлумоти олий, мутахассислиги "ходовоӣ" бўлган Қодирбой Салимбойнинг отасининг дўстлари яхшигина амалга тавсия эдилар. Аммо, масала айтиш ҳал бўлар чоғида ишнинг пачаваси чиқиб қолди. Номзоднинг тавсифини ўрганаётганлар ҳарбий бўлимаддаги унга тегишли армия материаллари орасидан "руий хасталикка чалинган" деган мазмундаги тиббий хулосага дуч келиб қолишди.

Кайфияти тавом бўзилган Қодирбой ўйга хомуш, қовоқ-тумшуги оқиб-қизиб келди. Кексайиб қолган отасининг бу нохушлиқдан хабари йўқ эди. "Қалай ўғлим, омадинг чоғдими", дея сўради. У эса отасига хомуш тикилди, бироқ ҳеч нарса демасди, дея олмади.

Ўқтам ҚУРБОНОВ

«БАХТИНГДАН ОЧАЙМИ...»

Кутилмаганда кўзлари қоп-қора, жингалак сочли бир аёл эшикни тақиллатмасдан уйга кириб келди-да, деди: -Қизим, мен сизга бир яхшилик қилмоқчиман. Фарзандингиз йўқ экан. Қўшилларингиз айтди. Ердам беришим мумкин.

Гулбаҳор нотаниш аёлнинг ногаҳоний ташрифидан лол бўлиб қолган эди.

-Кимси? Бизникида нима қилиб юрибсиз?
-Мен фол оқиб, одамларга ердям бериб қораман. Хохласангиз сизни ҳам қўриб қўяман. Фарзанди бўласиз.

-Зора Сизнинг ердямингиз тегиб, фарзанд кўрсам. Бошим осмонга етар эди. Нима десангиз бераман, - деди Гулбаҳор алланечук илтиқ билан.

-Менга ҳеч нарса керак эмас! - мўғомбирона кўз сузди фолбин хотин. - Бир оғиз раҳматингиз етарли.

Гулбаҳор эриб кетди. Фолбин хотинни худди ўз описидек фамлади. Ундан наҳот кўтди.

Фолбин хотин Гулбаҳорнинг қўлига нималаридир шивирлади.

Гулбаҳор ичкарига учиб кириб, учиб чиқди. Қўлида охири тўқилмаган бир рўмол бор эди. У қўлидаги қимматбахр балдоғичи ҳам енди-да, рўмолга ўраб, фолбин хотинга тутқазди.

Фолбин аёл қандайдир дуоларни ўқиб, "дам" солди. Кейин Гулбаҳорга бир юса сув олиб чиқилиши буюрди. Қосада сув олиб чиққан Гулбаҳор балдоғи тугилган рўмолни қайтариб олarkan, унга миннатдорчилик билдирди. Фолбин хотин Гулбаҳордан ҳеч нарсани талаб қилмади ва тезгина жұфтани ростилаб қолди.

Орадан биринчун вақт ўтгандан кейин Гулбаҳор рўмолга ўроғлик турган сирғасини очиб кўрди-ю қапалаги учиб кетди. Тилла сирға оддий мис сирғага алмашди.

У очиб кўрага чиқди, фолбин хотин ерга киргани, осмонга учиб чиқиб кетганини, кўзимасди. Шу орада унга ишдан келиб қолди. Гулбаҳор бўлган воқеани илдан игнасича унга айтиб берди. Лекин фолбин хотиннинг изидан тушишини илоҳи йўқ эди. Товламачи хотин аллақачон қилиб бўлган.

Мўйдинжон СОБИТОВ

(Боши 1-бетда)

Президентимиз юриётган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир амалий ифодаси бўлиши мазкур Қонун ижросини тўла таъминлаш борасида прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилипти.

Бу борадаги ташкилий тадбирлар туфайли прокурор назоратининг самарадорлиги янада орди, тергов ишлари ва судларнинг жиноий жазоларни тайинлаш фаолиятида туб ўзгаришлар юз берди. Қонун, аввало, дастлабки тергов фаолиятини янгидан ташкил этиш, қонунчилик ва инсонпарварлик тамойилларини тўлиқ рўйбга чиқариш учун шарт-шароит яратди.

Тергов олиб борилаётган жиноят ишлари бўйича ахтиёр чораларини таллаш, тергов муддатларига риоя қилиш, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва судлар томонидан жазо тайинлаш амалиётида сезиларли ижобий натижаларга эришилди.

Қонун кучга кирганидан кейинги даврда тергов органлари томонидан жами 4 миңдан ортиқ шахсининг жиноий қилмишларини қайта малакаланиб, Қонунга мувофиқлаштирилди. Бунда айрим қилмишлар жиноят деб топилмаганлиги сабабли 350 дан ортиқ жиноят иши тергов органларида, суд муҳожамасига юборилган 67 миң 400 дан ортиқ жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

Зарар тўлиқ қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлмаслик ҳақидаги қонданинг киритилиши ўз самарасини бермоқда. Етказилган моддий зарарни тергов жараёнида ундиришнинг аҳамияти кўнади. Масалан, 2001 йилда тергов органлари томонидан ишни судга юборилган қадар судланувчилар томонидан етказилган зарарнинг 51,5 фоизини ундирилган бўлса, 2002 йилда бу рақам 74,9 фоизга етди. Бундай ҳолатларда уш миң 16 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Ярашув институтининг амалиётда кенг қўлланилиши кузатишмоқда. Ўтган даврда ярашув муносабати билан судларда юборилган олти миң 700 дан зиёд шахсининг жиноят иши ҳаракатдан тугатилди, улар жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Айбланувчиларни ахтиёр чораси тарихида қамқоқ олиш 52 фоиздан 29 фоизга тушди.

ли жиноятлар сонининг кўпайиши билан бир қаторда бундай жиноятлар бўйича қамқоқ олиш ахтиёр чорасини қўлланиш ҳуқуқий асослари ўзгарилиши терговчилар ва судьяларнинг қамқоқ олиш ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ моддаларни қўллаш амалиётини ўзгариради.

ҚОНУНИЙЛИК ВА АДОЛАТ - БОШ МЕЗОН

Масалан, 2002 йилнинг 10 декабр кунин Бухоро вилоят прокуратураси томонидан Қорақўл пахта тозалаш ҳиссасдорлик жамияти техник чигит товаршуноси Незматулло ўриновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси «а» ва «в» бандлари билан жиноят иши кўзгатирилган. Терговда ушбу шахс жавобгарлигида бўлган 156 миллион 826 миң сўмлик техник чигитни ўзлаштириб юборгани аниқланди. Шундан сўнг қамқоқ олишдан Н.ўринов тергов давомида етказилган зарарни тўлиқ қоплагани сабабли, 2003 йилнинг 15 март кунин ахтиёр чораси гаровга ўзгаририлди.

Бу Қонунда қўзда тутилган иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш жазоси ўрнига жарима қўллашнинг кенгайтириши, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган чораларга бир мисолдир.

Қонунда тергов ва судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлашда тўғри ёндашув таъминланишини, ижтимоий ҳаётнинг дарражаси унча катта бўлмаган иқтисодий соҳасига оид жиноятларни содир



САДДАМ ҲУСАЙННИНГ КУЁВИ УШЛАНДИ

Садам Ҳусайн тузуми ағдарилгунга қадар қочқинда юрган Ирак миллий Конгрессининг маълум қилишича, куни кеча собиқ президентнинг куёви Жамол Мустафо Султон ал-Тикрити хибсга олинди ва Америка ҳарбийлари ихтиёрига топширилди.

Конгресс вакили Зааб Сетна фикрича, Жамол Мустафо Садам Ҳусайннинг шахсий котиби бўлиб ишлаган ва ҳарбий операциялар бошлангандан сўнг Сурияга ўтиб кетган эди. Лекин миллий конгресс ходимлари уни қайтаришга ва қўлга олишга муваффақ бўлди. АҚШнинг Ироқдаги собиқ ҳукумат аъзоларини қўлга олиш бўйича тузган 55 кишилик "қора рўйхат"дан ўрин олган Жамол Мустафо Садам Ҳусайн оиласининг хибсга олинган биринчи вакили саналади.

Жамол Мустафодан ташқари кеча Бағдод шаҳрида собиқ молия вазирати Ҳикмат Иброҳим ал-Аззаун ҳамда таълим ва фан вазири Абдуллолик Абдулгоффорлар ҳам иттифоқчилар томонидан қўлга олинганлар.

ҚОТИЛНИНГ ФОТОРОБОТИ ЧИЗИЛДИ

17 апрел кунин кечкурун ўз уйи олдидан отиб ўлдирилган Россия давлат думаси депутаты, "Либерал Россия" партияси ҳамраиси Сергей Юшенков иши бўйича терговчилар муваффақиятга эришганлар.

Хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг билдиришича, қидирув жараёнида қотилнинг фоторобот қўриқини чиқиш учун керак бўладиган далил топилган. Яқин кунларда унинг фотороботи чиқилиб, барча тезкор қидирув хизматларига тарқатилади.

Россия ички ишлар вазири Борис Грызлов жиноятни очиш ҳақида гапираркан, қотил фойдаланиб, воқеа жойида қолдирган қуролнинг рақамини аниқлаштиришга эришилганини билдирди. Гарчи, жиноятчи рақамни ўчириб юборган бўлса-да, пистолет "Иж-71" русумли эканлиги маълум бўлди. Елланма қотил отган тўртта ўқнинг бехато тегиши боис, ҳаётдан қўз юмган С.Юшенков билан яқшаба кунин видолашув маросими ўтказилди.

КАСАЛЛИК СИЁСАТТА ТАЪСИР ҚИЛМОҚДА

Хитой ҳукумати соғлиқни сақлаш вазири Чжан Вэнькан ҳамда Пекин шаҳри ҳоқими Мен Суноларни вазифасидан озод этди.

Икки расмий вакилнинг ишдан олинишига бутун номаълум касаллик боис Хитойда юз берган ҳолат сабаб бўлган. Айни пайтда Пекиннинг ўзида 346 та касалликка дахлдор ҳолат кузатилган ва ундан халок бўлганлар сони 18 кишига етган. Хитойнинг умумий ҳолати бўйича эса бу рақам 79 кишини ташкил этади. Жаҳон ҳамжамиятининг асл ҳолатни яшираётти, деган мазмундаги танқидига учраган Хитой ҳукумати май ойида нишонлангандиған миллий байрамини орта сурган. Шунингдек, Хитой олимлари номаълум касаллик билан оғриган кишига 1 соат ичида ташхис қўйиш бўйича янги метод ишлаб чиқарилган.

ЎЗ А МУХБИРИ БЕХОТ НОРОБОВ СУХБАТЛАШДИ.

Ер - бебаҳо хазина

Жаҳон жамоатчилиги 22 апрелни Ерни асраш кунин сифатида нишонлайди. Ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўرғазмалар залида «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан «Инсон ва замин», «Отахонлар ва онахонлар набиралар нигоҳида» расмлар кўрғазмалари ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида Халқаро ерни асраш кунин муносабати билан экофестиваль бўлиб ўтди. У Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзтелеферадиокомпания, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳоқимлиги, «ЎзБАТ» қўшма корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЎЗА



Нурота туманида афғонистонлик тадбиркор Насрулло "Хессан Хайдаровда" номи гилам ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширди. Хозир бу ерда 15 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда. Суратда:корхонанинг тўқувчилари. С.З.УФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

КЎРГАЗМА

"Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Саломатлик" шiori остида тиббиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг чеҳра қишлоқ жойларидан истикомат қилувчи аҳолининг саломатлигини асраш мақсадида касалликнинг олдини олиш ва даволаш учун зарур бўладиган тиббиёт аниқмалари, диагностика ва кардиология соҳалари бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган турли-туман асбоблар ва фармакология маҳсулотларининг "ТИНЕ-2003" 8-халқаро кўрғазмаси бўлиб ўтди.

"АФРОСИЁБ" - ЯНГИ ДИЗАЙНДАГИ ДУХОБА

(Боши 1-бетда)

Боз устига, сифатсизлиги хариддорларни ўз бозорига қайтарди. Бизга бюортманчилар кела бошлади. Жамоамиз бажони дил сўралган нусхалар дизайнидаги матоларни ишлаб чиқаришга татбиқ эта бошлади. Шу боис бахмалларимизнинг нақши-беағи кейинги йилларда 4 хилдан 10 хилга қўнайди.

Жамоада ишнинг жонланиб кетиши кўп жиҳатдан инқилиқ боғлиқ. Айрим корхоналарда "бу бозор иқтисоди қонунидир", деган нотўғри тушунча билан меҳнат ахли кадр-қўлматни бироқ ўнқилиқда, назаринда. Аслида мамлакатимизда ҳамма ҳаракат инсоннинг эъозли, яхши яшашига қаратилганини унутмаслигимиз керак. Биз касбини ўзгаришлар, бироқ бахмалчиликда катта тажрибага эга мутахассисларни қайта тақлиф этдик. Ҳар бир ишчининг қадрини ўрнига қўйишга интилдик. Уларни автобусларда олиб келиш, элтиб қўйиш, оватланишлари, дам олишларига эътиборни қўчайтирдик. Яқинда ҳам вилоятимиздаги тарихий, азиз жойларнинг корхона ҳисобидан зиёрат қилдириб келдик. Очиғи, жамоамиз самимий бир оиладек мазмун касб этди. Шунинг самараси ўлароқ, ишга муносабат ўзгарди. Ҳар ким вақтингиз қадрига етмоқда. Корхона мулкчини асраб-авайлаш, ободонлаштириш ишларида ихтиёрли қатнашиш виждоний бурча айланди.

ТУМАН БОЙЛИК

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг асосини қишлоқ аҳолисининг саломатлигини асраш, оналар ва болалар саломатлигига жиддий эътибор бериш ва мамлакатимизга четдан кириб келиш эҳтимоли мавжуд бўлган хавфли касалликларнинг олдини олишдек бажарилиши зарурий бўлган ваазифалар ташкил қилади. Мазкур кўрғазма ҳам ислохотнинг бир қўриқини эканлиги кўрғазма олдинда бўлиб ўтган матбуот анжуманида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодийга инвестиция киритиш истагинда бўлган чет эллик ҳамкорлар билан маҳаллий компанияларимизнинг икки томонлама фойдаланиш шартнома тузилиши учун қўлай имконият яратилганини ҳам қайд этилди.

Кўрғазмада эллиқдан ортиқ мамлакатлар компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Мазкур халқаро кўрғазма Буюк Британия ITE Group PLS ва унинг Ўзбекистондаги ягона ҳамкори Itesa-Osiyo кўрғазмалар компанияси томонидан ташкиллатилди. Уч кун давом этган кўрғазма намоёнини беш миңдан ортиқ қизиқувчи томоша қилди.

Хасан ТОШХУҲАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ОТЧОПАР БОР, ЧАВАНДОЗ ЙЎҚ, ТУЛПОР ЙЎҚ

(Боши 1-бетда)

Юраклар жунбушга келарди. Аммо... Бухоро отчопари лоқайдлик, эътиборсизлик қурбонига айланди. Вилоятдаги ягона от спорт мактабига эса шаҳарнинг чеҳра бурчагидан машгулот майдончалари ажратилди. Аммо шариот ўзига яраша бўлгач, мактабдан яхши натижа қўтиш қийин. Отлар кам, мусобақаларга қатнашиш учун юк транспорт масаласи ҳал этилгани йўқ.

Дарвоқе, бир пайтлар Шофиркон туманида от спорт клуби фаолият кўрсатарди. У ҳам миллий спортга тураларча муносабат туфайли миңг бир баҳона билан тарқалиб кетди. Холбуки, бу клубдан саккиз нафар спорт устаси, қўллаб спорт усталигига номзодлар етишиб чиққан эди. Чори Жонпулатов, Мақсуд Шоқиров, Исмоил Йўлдошев сингари тажрибали чавандоз йигитлар, мураббийлар тиркичилик ваҳидан бошқа соҳаларга ўтиб кетишди.

Каровисиз қолган жониворларнинг ночор аҳоли хали-хануз кўз ўнгимдан кетмайди, - деган эди бир суҳбатда шофирконлик ёш чавандоз Баҳодир Ражабов. - Оқилдан силласи қуриган баъзи отларни қўллашнинг ўрнидан турғизан эдик. Хозир ҳам қўл қайта тиланса, қўч-қайратимни шу соҳа ривожига сарфлашга тайёрман.

Ўшанда, Шофиркон спорт клубининг қолган-қутган отлари туман ширкатларига тарқатилиб, улардан ҳўжалик ишларида фойдаланишган. Шу тариқа, Англия, Германия каби мамлакатлардаги нуфузли мусобақа-



деган мазмундаги танқидига учраган Хитой ҳукумати май ойида нишонлангандиған миллий байрамини орта сурган. Шунингдек, Хитой олимлари номаълум касаллик билан оғриган кишига 1 соат ичида ташхис қўйиш бўйича янги метод ишлаб чиқарилган.

ЎЗ А МУХБИРИ БЕХОТ НОРОБОВ СУХБАТЛАШДИ.

Жаҳон жамоатчилиги 22 апрелни Ерни асраш кунин сифатида нишонлайди. Ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўрғазмалар залида «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан «Инсон ва замин», «Отахонлар ва онахонлар набиралар нигоҳида» расмлар кўрғазмалари ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида Халқаро ерни асраш кунин муносабати билан экофестиваль бўлиб ўтди. У Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзтелеферадиокомпания, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳоқимлиги, «ЎзБАТ» қўшма корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЎЗА

ҚИРГИЗИСТОНДА ТОҒ КЎЧКИСИ

"Интерфакс" агентлигининг хабар беришича, яқшаба кунин Қирғизистон республикасида тоғ кўчкиси юз берган. Ўш вилоятининг Узган туманидаги Қора-Тегиш қишлоғида содир бўлган табиий офат туфайли қишлоқдаги 11 та хонадон кўчки остида қолган. Қирғизистон давлат қўмитаси вазириликнинг билдиришича, вайроналар остида 30 нафарга яқин киши бўлиши керак. Хозирда олиб борилаётган тезкор кулқарув ишлари натижа-сида халок бўлган 4 кишининг жасадлари топилган. Тоғ кўчкиси 1,5 миллион куб метр ҳажминини ташкил этади.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

ларда қатнашган Парадес, Сандамига, Спидвей лақабли машҳур отларнинг насллари тушовлаб қўйилди. Холбуки, уларни асраш, наслни қўлайитириш ҳақида ўйлаб қўрилганда Бухорода от спортни бу қадар ғариб аҳволга тушиб қолмасди.

Дарвоқе, от спорт клуби ёки мактабин неға Фиждувонда ҳам очиш мумкин эмас, деган савол туғилади. Ахир, мустақиллик йилларида тарихий қадриятларимиз қайта тикланди. Миллий спорт ўйинларига эътибор ошди. Чавандозлик эса халқимизнинг қонида бор. Қишлоқда от чоптириб юрган ўсмирларни кўрганда кўнгил орзиқиб кетиши ҳам шундан.

Фиждувонда от спортни ривож топса, ёш авлодининг бир қисми шу мактаб ёки клубга жалб этилар, одамларнинг мазмунли дам олишларига яна бир шариот юзага келган бўлур эди. Спортнинг бу тури ёшларимизни мард, эпчил, ориятли қилиб тарбиялашга ердям беради. Ана шу орзулар амалга ошса, Президентимизнинг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонининг амалдаги ижросига катта ҳисса қўшилган бўлур эди, албатта.

З

